

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 6

JUNE 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 6

JUNE 2022



www.openscience.uz

SCIENCE AND EDUCATION
SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 6

Executive Secretary	Mas'ul ko'ib
Tusmatova Nozima Inomovna	Tusmatova Nozima Inomovna
Editorial board	Tahririyat
Z.Yaxshieva	Z.Yaxshieva
<i>Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Chemical Sciences</i>	<i>Jizzax davlat pedagogika instituti, kimyo fanlari doktori</i>
S.Sangwa	S.Sangwa
<i>African Leadership University, Doctor of Business Administration</i>	<i>African Leadership University, Doctor of Business Administration</i>
S.Otakulov	S.Otaqulov
<i>Jizzakh Polytechnic Institute, Doctor of Physical and Mathematical Sciences</i>	<i>Jizzax politeknika instituti, fizika-matematika fanlari doktori</i>
M.A.S.Khasawneh	M.A.S.Khasawneh
<i>King Khalid University, Special Education, PhD</i>	<i>King Khalid University, Special Education, PhD</i>
Sh.Akramova	Sh.Akramova
<i>Military-technical Institute of the National Guard, Doctor of Pedagogical Sciences</i>	<i>Milli qvardiya kerbiy-teknik instituti, pedagogika fanlari doktori</i>
E.M.Colicassides	E.M.Colicassides
<i>College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication</i>	<i>College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication</i>
B.Sultonov	B.Sultonov
<i>Tashkent Pharmaceutical Institute, Doctor of Technical Sciences</i>	<i>Tashkent farmatsiyevitika instituti, texnika fanlari dokteri</i>
Ya.L.Chemyavskaya	Ya.L.Chemyavskaya
<i>Tyumen State Medical University, Candidate of Philological Sciences</i>	<i>Tyumeniyoy sənədərətəvənliyə mədəniyyətik universiteti, kandidat filologiya-nauk</i>
A.Sidigov	A.Sidigov
<i>Tashkent Institute of Chemical Technology, Doctor of Chemical Sciences</i>	<i>Tashkent kimyo-tehnologiya instituti, kimyo fanlari doktori</i>
W.B.Vidona	W.B.Vidona
<i>Edo State University, Anatomy, PhD</i>	<i>Edo State University, Anatomy, PhD</i>
B.Kucharov	B.Kucharov
<i>Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences</i>	<i>Fanlar akademiyasi Umumiy va neorganik kimyo instituti, texnika fanlari dokteri</i>
I.Ushmetov	I.Ushmetov
<i>Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences</i>	<i>Fanlar akademiyasi Umumiy va neorganik kimyo instituti, texnika fanlari dokteri</i>
M.Abdullaev	M.Abdullaev
<i>Andijon State University, Doctor of Historical Sciences</i>	<i>Andijon davlat universiteti, tarix fanlari doktori</i>
Z.Tojieva	Z.Tojieva
<i>National University of Uzbekistan, Doctor of Geographical Sciences</i>	<i>O'zbekiston milliy universiteti, Geografiya fanlari doktori</i>
N.Jiyanova	N.Jiyanova
<i>Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences</i>	<i>Tashkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi</i>
X.Qobulov	X.Qobulov
<i>Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences</i>	<i>Tashkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi</i>
A.Nahiev	A.Nahiev
<i>Tashkent Institute of Chemical Technology, PhD in Technical Sciences</i>	<i>Tashkent kimyo texnologiya instituti, texnika fanlari PhD</i>
A.Turgunbaeva	A.Turgunbaeva
<i>Namangan State University, PhD in Psychological Sciences</i>	<i>Namangan devlat universiteti, psixologiya fanlari PhD</i>
B.Xaynazarov	B.Xaynazarov
<i>National University of Uzbekistan, PhD in Historical Sciences</i>	<i>O'zbekiston milliy universiteti, tarix fanlari PhD</i>
M.Voxilova	M.Voxilova
<i>Tashkent State Institute of Oriental Studies, PhD in Economics</i>	<i>Tashkent davlat sharqakunoslilik instituti, iqtisodiyot fanlari PhD</i>
A.Rahmonov	A.Rahmonov
<i>Republican Scientific-Practical Center, PhD in Pedagogical Sciences</i>	<i>Respublika ilmiy-amaliy markaz, pedagogika fanlari PhD</i>
G.Ochilova	G.Ochilova
<i>Karshi Institute of Engineering and Economics, Candidate of Philosophical Sciences</i>	<i>Qarshi mexandislik-iqtisadiyat instituti, falsafa fanlari nomzodi</i>
B.Omonov	B.Omonov
<i>Karshi State University, PhD in Philosophical Sciences</i>	<i>Qarshi davlat universiteti, falsafa fanlari PhD</i>
O.Axmedova	O.Axmedova
<i>Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences</i>	<i>Buxoro mexandislik-tehnologiya instituti, texnika fanlari PhD</i>
G.Jumanazarova	G.Jumanazarova
<i>Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Philological Sciences</i>	<i>Jizzax davlat pedagogika instituti, filologiya fanlari doktori</i>
T.Sabirjanov	T.Sabirjanov
<i>Fergana Polytechnic Institute, Candidate of Technical Sciences</i>	<i>Farg'ona politexnika instituti, texnika fanlari nomzodi</i>
Sh.Ismoilov	Sh.Ismoilov
<i>Tashkent State Law University, Doctor of Sciences in Law</i>	<i>Tashkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari doktori</i>
M.Rakhimov	M.Rakhimov
<i>Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law</i>	<i>Tashkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori</i>
L.Rakhimkulova	L.Rakhimkulova
<i>Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law</i>	<i>Tashkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori</i>
A.Sultonov	A.Sultonov
<i>Jizzakh Polytechnic Institute, PhD in Economics</i>	<i>Jizzax politeknika instituti, iqtisodiyot fanlari PhD</i>
B.Safarov	B.Safarov
<i>Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences</i>	<i>Buxoro mexandislik-tehnologiya instituti, texnika fanlari PhD</i>

20.	Tursunboy To'lqinboy o'g'li Ibroximov Global iqlim ilishi sharoitida qishloq xo'jaligida suv resurslaridan oqilona foydalanish imkoniyatlari	144
21.	M.D.Xaydarova, S.S.Eshqorayev, B.I.Ro'zimurodov Kaliy ma'danlarining dunyo bo'yicha uchrashi	149
22.	Saodat Muzaffarofna Mardonova Shikastlanganda tibbiy yordam ko'rsatish	152
23.	Nurbibi Raximovna Ochilova Shikastlanganda birinchi yordam ko'rsatish turlari	160
24.	Shukrullo Foziljonov The level of rarity of representatives of the family alliaceae on the prevalence in the Fergana valley	167
25.	Dilovar Rustamovna Qarshiyeva Zaharlanish, kuyish, suyaklar sinishi sovuq urishi, elektr toki urishi, cho'kishda tibbiy yordam berish	171
26.	Munisa Ikromovna Qodirova, Sobitjon Sobirjonovich Nosirov Toshkent botanika bog'ida Lonicera L. turkum turlari	179
27.	L.Q.Rustamova, X.Z.Murodova Tut ipak qurtining kasalliklariga qarshi kurash choralari va profilaktik tadbirlar	182
28.	Yoqub Davronovich Xolov Tuproqni muhofaza qilish va undan oqilona foydalanish	186
29.	Maksud Makhmudovich Ziyodullaev Alkogol ta'sirida yurakning morfiziologik xususiyatlari	194
30.	Саида Мухамеджоновна Гафарова, Карина Загирова Улжан Талмаканова Биоэкологические свойства и значение Альбиция ленкоранская (<i>Albizia julibrissin</i>)	198
31.	Саида Мухамеджоновна Гафарова Ўсимликлар дунёсини асрарча қўрикхоналарнинг роли	204
32.	Ozoda Toirovna Jo'rayeva Fermentlar va ularning ahamiyati	211
33.	Lobar Fatulloyevna Karimova, Ilhom Rahmon o'g'li Bahodirov Na'matakning xalq tabobatidagi o'rni va ahamiyati	217
34.	Bahodir Bajdullaevich Kujbakov К вопросу о влиянии экологии и здоровье населения	224
35.	Г.Д.Халматжанова, Зубайда Мирзаахмадова Важность и проблемы органического сельского хозяйства	232
36.	Shukrullo Foziljonov The degree of rarity of members of the Apiaceae (Umbelliferae) family in the Fergana valley	238
37.	М.Э.Махкамов, О.К.Балтабаев, Н.Э.Махкамова, Д.Д.Якубджанов, Ж.М.Набиева Н.А.Нормурадов Состояние носоглотки у детей с врожденной расщелиной неба в приоральском регионе	244

TECHNICAL SCIENCES / TEXNIKA FANLARI

38.	У.Кутлимуродов, И.Толлибоев Отвод атмосферных сточных вод от зданий и сооружений	253
39.	Баходир Маратович Бекимбетов Ультразвуковой контроль несплошности в сварных соединениях и в основном метале принимать по методом фазированный решетки, дифракционной-временной метод, мульти модальная цифровая фокусировка	259

Ўсимликлар дунёсини асрашда қўриқхоналарнинг роли

Саида Мухамеджоновна Гафарова

saida.gafarova@bk.ru

Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда барпо этилган қўриқхоналар, у ердаги қум, чўл, дашт, ўрмон, тоғ ландшафтлари ва ўсимликлар дунёси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қўриқхоналар турли хил ўсимлик турларини, уларнинг генофондларини кўпайтиришда ва сақлаб қолишида ҳам мухим ўрин тутади.

Калит сўзлар: маданий агроценоз, ландшафт, рельеф, булок, ғор, кўл, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қум, чўл, дашт, ўрмон, тоғ ландшафтлари

The role of reserves in conservation plant world

Saida Mukhamedzhanova Gafarova

saida.gafarova@bk.ru

Bukhara State University

Abstract: The article provides information about the reserves created in Uzbekistan, about their sandy, desert, steppe, forest, mountain landscapes and flora. Reserves also play an important role in the reproduction and conservation of various plant species and their gene pool.

Keywords: Cultural agroecosystem, landscape, relief, spring, cave, lake, flora and fauna, sand, desert, steppe, forest, mountain landscapes

Дунё олимлари кейинги вактларда инсониятнинг табиатга таъсири кучайганлиги оқибатида атрофимизни ўраб олган табиий мухитнинг кескин ўзгариб, маданий агроценоз, ландшафтлар майдони кундан кунга ортиб бораёттанини эътиборга олган ҳолда қўриқхоналар ташкил қилиш ва мавжудларни сақлаб қолиш масаласига барчанинг дикқат эътиборини жалб қилмоқдалар [1].

Қўриқхона - бу Ер шарининг маълум бир худуддаги табиат компонентларини табиий ҳолича сақлаб қолиш учун ажратилган майдондир. Қўриқхоналар барпо этиш туфайли шу худуд табиатига хос компонентлар, яни рельеф шакллари, тоғ жинсларининг ер юзасига чиқиб, очилиб қолган жойлари, очилиб қолган минераллар, булоклар, ажойиб ғор, кўллар, ўсимликлар ва

ҳайвонот дунёси табиий ҳолда сақлаб турилади [2], хуллас ҳар бир географик зона ёки географик ўлка учун характерли бўлган худудлар ёки табиат компонентларини илмий жиҳатдан, иқтисодий, маданий томонидан хамда шу зонанинг барча табиий элементларини ўзида акс эттирган худудлари кўриқхоналар учун ажратилади. Бу жойларнинг табиати ва унинг компонентлари халқ бойлиги сифатида сақланади. Шу туфайли, авлодлар ўша кўриқхоналар орқали қум, чўл, дашт, ўрмон, тоғ ландшафтлари ва бошқа худудларнинг табиий ҳолда қандай бўлганлиги ҳақида тўла маълумотлар олади.

Одамларнинг хўжалик фаолияти туфайли содир қилинган ландшафтларга мослаша олмаган ҳайвонлар ва худудга хос табиий флоранинг бир қанча турлари фақат кўриқхонарда сақланиши мумкин. Маданий ўсимликлар турларини кўпайтиришда кўриқхоналар муҳим роль ўйнайди, ўсимликларни сақлаш ва кўпайтиришда уларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Кўриқхоналар турли хил ўсимлик турларини, уларнинг генофондларини кўпайтиришда ва сақлаб қолища ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда 13 та ўрмон хўжалиги ва 14 та кўриқхона мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 460 минг гектарни ташкил қиласи. Шуларнинг айримларига тўхтalamиз.

Зомин тоз-ўрмон давлат қўриқхонаси. Ўзбекистондаги биринчи кўриқхона хисобланади. У 1926 йилда Зомин районининг Жиззах ўрмон хўжалигига қарашли Кулсой ва Фўралашсоҳ ҳафзаларида "Фўралаш" тоғ арча кўриқхонаси номи билан ташкил қилинган эди. Кейинчалик Зомин тоғ - ўрмон кўриқхонаси номи билан қайта тикланган. У Туркистон тизмаси Гарбий қисмининг шимолий ёнбағрида Зомин тоғида 1900-3500 метр баландликда жойлашган, майдони 10,5 минг гектар. Бу ерда тоғ, дашт, ўрмон ва субальп ўсимлик минтақалари мавжуд. Кўриқхона худудида 150 дан ортиқ ўсимлик турлари учрайди [3-5]. Кўриқхона худудининг катта қисми арчазордан иборат. Бу ерда арчанинг 3 тури учрайди. Ўрмонзорнинг пастки қисмida Зарабшон арчаси, ўрта қисмida саур арча, юқори қисмida Туркистон арчаси ўсади.

Зомин тоғ - ўрмон кўриқхонасида арчазорларнинг табиий холати ва арча ўрмон минтақасига хос тирик табиий географик мажмуаларни сақлаш, уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш, табиий ресурслар сифатини яхшилаш, уларни кўпайтириш, шунингдек арча биологиясини ўрганиш, арчазорларни кенгайтириш ва тиклаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Кўриқхона хар йили ўрмон хўжалигига 1.5 тоннадан кўпроқ қимматли арча ургини етказиб бермоқда.

Чотқол тоз - ўрмон давлат қўриқхонаси. Бу кўриқхона 1947 йилда Чотқол тизмасининг жануби-гарбида дengiz satxidan 1000-3200 метр баландликда жойлашган бўлиб, ўсимлик дунёсини табиий географик ҳолатларни сақлаб

қолиш мақсадида ташкил этилган, майдони 47.5 минг гектар ерни ташкил қилади. Қўриқхона худудида куруқ даштдан ташқари мевали ўрмонлар, арчазорлар, альп ўтлоқлари каби ландшафт минталари мавжуд. Бу ерда 600 дан ортиқ ўт, 40 га яқин дараҳт ва бута ўсимлик турлари учрайди. Қўриқхонанинг деярли ярми арчазорлардан иборат. Бундан ташқари писта, Кавказ шамшоди, зирқ, иргай ва бошқа ўсимлик турлари ўсади.

Пайғамбаророл қўриқхонаси. Амударёning юқори қисмида Термиз шаҳридан 20 км пастда 1971 йилда ташкил қилинган, бу қўриқхонанинг умумий майдони 4000 га. Пайғамбаророл қўриқхонасининг тўртдан уч қисми қалин тўқайзорлар билан қопланган. Тўқайларда асосан туранғи, жийда ва ўтлар ўсади. Қум тепаларида эса юлғунлар кўп бўлиб, уларнинг атрофини тиканли жингилзорлар ўраб олган. Пастроқ ерлар қамишзорлар билан қопланган. Оролнинг жанубий қисмида саксовул, жузғун эфемерлар тарқалган.

Қоракўл қўриқхонаси. Зарафшон дарёсининг Қоракўл воҳаси билан Амударё орасидаги майдонда 1971 йили барпо этилган бўлиб майдони 20.5 минг гектарни ташкил этади. Бу қўриқхонадан Аму - Қоракўл ва Аму - Бухоро каналлари оқиб ўтади. Канал суви фильтрацияланиши туфайли унинг атрофига кўллар барпо бўлган. Қўриқхонада 200 га яқин юксак ўсимликлар учрайди, шундан 30 таси дараҳт ва буталардир. Канал ёқаси ва кўллар атрофидаги тўқайзорларда асосан жийда, туранғи, тол, терак, қизил жинғил, юлғунларнинг бир неча тури, қамиш ва бошқа ўсимликлар кенг тарқалган. Қумларда асосан қора саксовул, қандимнинг 6 тури, ситнгренинг 3-тури, черкез, илоқ ва бошқа ўсимликлар тарқалган.

Қизилқум қўриқхонаси. Қўриқхонада Бухоро вилоятининг Ромитан тумани худудида 1971- йилда ташкил қилинган бўлиб майдони 4 минг гектар. Унда ўсимликларнинг 150 тури ўсади. Тўқайзорни кўпроқ дараҳт - бутазор эгаллайди. Бундан ташқари бу ерда ҳар хил ўтлар, қамиш, қўзалар, рўвак, ажриқ ва бошқалар ўсади. Қумли жойлар учун қора ва оқ саксовул, черкез, қандим ва қуёнсуяқ характерлидир. Қўриқхонанинг асосий вазифаси инсон қўли тегмаган ландшафтлар Амударё тўқайлари ва туташиб турган чўл ландшафтларини ўрганиш ва сақлашдан иборат.

Бадайтўқай қўриқхонаси Амударё ўнг соҳилининг қуи қисмида 1971-йилда ташкил қилинган бўлиб, умумий майдони 10 минг гектарни ташкил қилади. Қорақалпогистонда жойлашган бу қўриқхона Амударёning қуи оқимидағи табиий мажмуаларни ўрганишда бениҳоя катта аҳамиятга эгадир. Турғунлик йилларида Амударёning ўнг ва чап қирҳоқларида жойлашган тўқайлар аёвсиз ўзлаштирилиши катта экологик фожеаларнинг содир бўлишида сабаб бўлди. Оқибатда бу ердаги кўп турлар йўқолиб кетди. Қўриқхонада ўсимликларнинг 58 тури бўлиб улардан 14 таси (24.1%) бута ва дараҳтлардир,

29 тури (50%) кўп йиллик ўт ўсимликлари, шундан 15 тури (25.9%) бир йиллик ўтлардир, бу Амударёнинг куйи оқимидаги барча тўқайлар учун хосдир [6-10].

Нурота қўриқхонаси. Нурота тоғ тизаси ён бағирларида ташкил этилган. Нурота қўриқхонасининг асосий вазифаси тоғ дашт минтақаларини муҳофаза қилиш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Зарафшон қўриқхонаси. Бу қўриқхона Самарқанд шаҳрининг Зарафшон дарёси қайрида ташкил этилган. Қўриқхонанинг ўсимлик дунёси хилма-хилдир. Қайир тўқайларида 140 дан ортиқ ўсимлик тури ўсади. Қўриқхонанинг асосий вазифаси қайир-тўқай табиий мажмуаларини саклаш, муҳофаза қилиш ва кўпайтиришdir [11-12].

Қизилсув қўриқхонаси. Қашқадарё вилоятида ташкил этилган. Унинг худудида тоғ- ўрмон минтақаси арчазорлар муҳофаза қилинади.

Мироқи қўриқхонаси. Ҳисор тоғ тизаси шимолий ён бағрида, Оқсув дарёси ирмоқлари ҳавзасида жойлашган. Қўриқхона ва унинг ландшафтлари хилма-хилдир. У ўзига хос бўлиб, уларнинг тарқалиши баландлик минтақалари қонуниятiga бўйсинади. Қизилсув қўриқхонасининг асосий вазифаси баландлик минтақаларининг табиий мажмуаларини ўрганиш ва муҳофаза қилишdir.

Варданзи қўриқхонаси. Қўриқхона қадимги Варданзе шаҳри ўрнида ташкил этилган. Саксовул ўрмони бу ер учун характерли бўлган. Кумли чўл табиий мажмунинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айни вақтда бу қўриқхонада тарихий ёдгорликлар ҳам муҳофаза қилинади.

Арнасой чўл-кўл қўриқхонаси. Жizzах шаҳридан 60 км шимолда жойлашган Арнасой кўл қўриқхонаси. Қўриқхонада шўрхоклар, ботқоқликлар, лёссли текисликлар ўчрайди. Тузкон кўли ҳам қўриқхона таркибига киради. Унинг лёссли текислик қисмida чўл учун хос бўлган эфемер ўсимликлар, жузғун ўсади. Қамишзор ва бутазорлар мавжуд. Арчасой қўриқхонасининг асосий вазифаси ботқоқлик-қамишзор мажмуаларини ўрганиш ва муҳофаза қилишдан иборат [13-16].

Абдулсамат тўқай қўриқхонаси. Фарғона водийсига ташкил этилган. Бу қўриқхона Сирдарё ёқасидаги тўқай мажмуаларини шу ер учун хос бўлган ингичка баргли жиёда, аралаш толзорларни саклаш учун ташкил этилган.

Зарафшон (Китоб) полеонтологик-стратиграфик қўриқхонаси. Китоб шаҳридан 52 км шарқда ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистонда ягона геологик қўриқхонадир. Бу қўриқхонада қояли тоғлар муҳофаза қилинади. [17-18].

Юқорида айтиб ўтилганидек, маданий ўсимликлар турларини кўпайтириш, ўсимликларни саклаш ва уларнинг генофондларини кўпайтириш ҳозирги замон талабидир. Бу ўз навбатида биологик жараёнларни (кўпайишини ўрганиш)

математик моделларини тузиб, уларни келажақдаги истиқболини ўрганишни тақозо этади.

Айтиш жонзки, биология фанида математиканинг қўлланилиши катта роль ўйнайди [19-21]. Одатда математик моделлар оддий дифференциал тенгламалар системаларидан иборат бўлиб, уларнинг ечимлари ёрдамида у ёки бу жараённинг ўзгаришини олдиндан айтиб бериш мумкин [22-30]. Ушбу моделлар ёрдамида ўсимлик турларини кўпайиши ва уларга экологиянинг таъсирини ўрганиш мумкин. Уларда биологик жараёнларни ифодаловчи турли математик моделлар таҳлил қилинган ва биология билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Таъкидлаш лозимки, мақолаларда кўрсатилган ютуқларга эришишнинг омилларидан бири, биологик масалаларни математик моделларини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухамеджанова Г.С., Кудратова Ш.К. Биоэкологические особенности растений пустынной зоны Средней Азии и их значение в животноводстве //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 11-1 (114). – С. 13-17.
2. Гафарова С.М., Гуламов М.И. Современная физико-географическая и экологическая характеристика города Бухары // Universum: химия и биология. – 2021. – №. 12-1 (90). – С. 29-33.
3. Гафарова С. М. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 127-133.
4. Сафарова З. Т., Шамсиева Ш. Биотехнология плодородия почвы // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 124-126.
5. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. Медоносные растения Узбекистана // Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.
6. Гафарова С.М. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 127-133.
7. Сафарова З. Т., Шамсиева Ш., Фармонова О. Практическое значение растения рапс // Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 522-525.
8. Гуламов М. И., Сафарова З. Т., Сайдова М. С. Разнообразие физического мира // Научный журнал. 2018. №5 (28).
9. Togaeva M.B., Safarova Z. T., Azizova N. A. (2021). Основные источники повышения продуктивности почв средней соленой гравины бухарской области. Центр научных публикаций (buxdu.uz), 1(1).

10. Xodjayeva, Z. (2022). Гидрохимический анализ вод верхнего течения коллектора денгизкуль . Центр научных публикаций (buxdu.uz), 7(7).
11. Raupova, M. (2021). Ижодий ўз ўзини рўёбга чиқаришда кваз касбий фаолиятнинг роли. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 5(5).
12. Raupova, M. (2021). Biologiya ta'lim yo'nalishi talabalarining loyiha faoliyatini tashkil qilish amaliyoti . Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 5(5).
13. Raupova, M. (2021). Bo'lajak biologiya o'qituvchisi kvazi-professional faoliyatini loyihalash usullari. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1).
14. Jo'rayeva, O. (2021). Medikal and food properties of algai. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1).
15. Jo'rayeva, O. (2021). Роль фитопланктона в народном хозяйстве. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1).
16. Jo'rayeva, O. (2021). Sadokda baliq yetishtirish texnologiyasi. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1).
17. Hamroqulova, N. (2022). Соя уруғларига экишдан олдинги ишлов бериш технологияси. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 8(8).
18. Hamroqulova, N. (2022). Soybean - a natural source of protein. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 8(8).
19. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяция ва унинг математик модели ҳақида // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), p.81-96.
20. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Роль математики в биологических науках // Проблемы педагогики, № 53:2 (2021), с. 7-10.
21. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Математические модели и законы в биологии // Scientific progress, 2:2 (2021), p.870-879.
22. Расулов Х.Р., Камариддинова Ш.Р. Об анализе некоторых невольтерровских динамических систем с непрерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с.27-30.
23. Rasulov Kh.R. (2018). On a continuous time F - quadratic dynamical system // Uzbek Mathematical Journal, №4, pp.126-131.
24. Rasulov X.R., Qamariddinova Sh.R. Ayrim dinamik sistemalarning tahlili haqida // Scientific progress, 2:1 (2021), p.448-454.
25. Расулов Х.Р. О некоторых символах математического анализа // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), p.66-77.
26. Расулов Х.Р. О понятие асимптотического разложения и ее некоторые применения // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), pp.77-88.
27. Xaydar R. Rasulov. On the solvability of a boundary value problem for a quasilinear equation of mixed type with two degeneration lines // Journal of Physics: Conference Series 2070 012002 (2021), pp.1-11.

28. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. О некоторых вольтерровских квадратичных стохастических операторах двуполой популяции с непрерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с.23-26.
29. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Об одном квадратично стохастическом операторе с непрерывным временем // «The XXI Century Skills for Professional Activity» International Scientific-Practical Conference, Tashkent, mart 2021 y., p.145-146.
30. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяциянинг динамикаси ҳакида // Scientific progress, 2:1 (2021), p.665-672.